

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана




Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

2008 йил 19-25 сентябрь № 37 (605)

Жума кунлари чиқади

## «Акушерлик ва гинекологиянинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференция муваффақиятли якунланди



## ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом жамият муҳитини яратишда келажақ авлод соғлиғига эътибор қаратиш, нафақат тиббиёт ходимлари олдидаги, балки ҳукуматимиз томонидан ҳам белгиланган устувор вазифадир. Шу маънода жорий йилнинг 16 сентябрь кuni пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Акушер-гинекологлар Ассоциацияси ҳамда Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти томонидан «Акушерлик ва гинекологиянинг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасадди раҳбарлари, юртимиздаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган акушер-гинекологлар, етакчи мутахассислар, тиббиёт институтлари профессорлари ҳамда ёш олимлар иштирок этдилар.

Анжумани Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Комилов кириш сўзи билан очиб, давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётган она ва бола саломатлиги, уларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳамда тиббиёт муассасаларида яратилган қулай шарт-шароитлар, фаолият давомида учраётган айрим муаммоларга урғу берди. Ҳеч шубҳасиз эътироф этиш кераки, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давомида она ва бола соғлиғига жиддий вази-фа сифатида қараш, «соғлом миллат» тушунчасини ушбу йўналишда шакллантириш ҳар

бир тиббиёт ходими, айниқса, акушер-гинекологларнинг асосий вазифалари эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, қайсики туғруқ мажмуасига борманг, у ерда албатта, давлат сиёсати даражасига кўтарилган она ва бола соғлиғи йўлидаги фаолиятлар изчил такомиллашганини, жаҳон андозаларига мос тиббий асбоб-ускуналар мавжудлигининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, республикадаги Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти ва унинг вилоят филиаллари, перинатал, она ва бола скрининг марказларининг олиб бораётган фаолиятлари аёллар ва болаларда учраётган айрим касалликларнинг эрта олди олиниши, ўз вақтида ишончли ёрдам кўрсатилишига, фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват униб-ўсишларида асосий омил бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ

қилиш тизимини янада қуқулаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳам тиббиётнинг барча йўналишлари, жумладан, акушерлик ва гинекология хизмати қўламини янада кенгайтириш, дилағи ностика ва даволашнинг янги технологияларини амалиётга жорий этиш, аёллар ва болалар соғлиғини сақлаш, бўлғуси оналар соғлиғини назорат қилиш тизими сифатини тубдан ошириш, скрининг-марказлар, педиатрия ва туғруқ муассасаларининг моддий-техник базасини, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантириш ва мустақамлаш вазифаларини қамраб олади. Айнан юқоридаги масалаларнинг амалий ифодаси, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган маърузалар иштирокчиларнинг диққат марказида бўлиб, қўйилган масалаларга жиддий ёндашилди.

(Давоми 2-бетга).

## Анжуман

## ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК САРИ

Жорий йилнинг 16 сентябрь кuni «ЭКОСАН» халқаро ташкилотида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби асосида «Юксак маънавият орқали экологик барқарорлик сари» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар, жумладан, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Му-сулмонлар идораси, «Оила» илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа олий ўқув юр்தларининг раҳбар ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни кириш сўзи билан очган «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти раҳбари Ю. Шодиметов мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида ву-жудга келаётган долзарб муаммолар халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитиш, уни янада юксалтириш ва асраб-авайлашни тақозо этаётганлиги, шунингдек, экологик мувозанатни сақлаш, инсон ва табиат муносабатларини уйғунлаштиришда жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида мужассам қилган юксак маънавият муҳим омил бўлиб хизмат қилишида Президентимизнинг мазкур китоби дастуриламал бўлишини таъкидлади. Учрашувда сўзга чиққанлар халқимизнинг онги ва дунёқараши, жумладан, экологик дунёқара-

ши тубдан ўзгараётганлиги, миллий кадриятларимизга, табиатга бўлган азалий муносабатимиз қайта тикланаётганлиги, мамлакатимизнинг экологик хавфсизлиги, умуман экологик барқарорлигини таъминлашда маънавиятнинг ўрни, жамият ҳаётидаги моҳияти ва аҳамияти тўғрисида гапириб ўтдилар. Шунингдек, «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти томонидан олиб борилаётган самарали ишлар учрашув иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланиб, ҳуло-са сифатида юксак маънавият орқали экологик барқарорлик сари ҳаракат қилиш ҳар бир фуқаронинг вазифаси эканлиги, бунда Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби муҳим методологик ва фалсафий асос бўлиши эътироф этилди.

Намоз ТОЛИПОВ.

## УШБУ СОҢДА:



3-бет

Она ва бола

БУ СИЗ УЧУН  
БАХТЛИ  
ОНЛАР

СИФАТ ВА НАЗОРАТ —  
ХАВФСИЗЛИК  
ЧОРАПАРИ

4-бет

Соғлом турмуш тарзи  
МУҲИМИ: ТАРҒИБОТ  
ИШЛАРИНИ  
КУЧАЙТИРИШ

6-бет

ВРОЖДЕННЫЙ  
ВЫВИХ БЕДРА  
У ПОДРОСТКОВ

7-я стр.

## Конференция

## ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА

Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти директори Саидазим Султановнинг айтишича, соҳада касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг кўплаб илгор усуллари ва воситалари жорий этилганлиги ҳомиладор аёлларда учрайдиган камқонлик, бепуштик, йод ва буйрак етишмовчилиги сингари хасталикларни даволашда ахши самара бермоқда. Шунингдек, институт директори халқаро аҳамиятга эга бўлган акушер-гинекологларнинг VI Съезди келгуси йилда ўтказилишини айтиб ўтди. Конференция давомида мутахассислар аёллар касалликларининг олдини олиш ва даволашда янги усуллар, замонавий препаратлар, акушерлик ва гинекология илмига оид ютуқларга бағишланган маърузалар тингладилар. Мазкур илм-фан тараққиёти акушерлик ва гинекология соҳасига чуқур кириб бораётганлигини конференция ишида ташкил этилган кўргазма мисолида ҳам кузатиш мумкин. Иштирокчиларнинг кўрилган масалалар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

**Дилбар НАЖМУТДИНОВА,**  
Тошкент Тиббиёт  
академияси ректорининг  
илмий ишлар бўйича  
проректори:

— Мазкур илмий-амалий конференция ўз замирида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қиладиган профилактика ва даволашнинг янги принциплари, темир етишмовчилиги бор аёлларда ҳомиладорлики олиб боришнинг миллий стандарти, ҳомиладорлик даврида уrogenитал хламидиозни даволашдаги замонавий ёндашув, гинекологик операцияларда оғирсизлантиришнинг янги технологиялари сингари кенг қўлам-

**М. САДЫКОВА,**  
Заведующая отделом  
репродукции человека НИИ  
Акушерства и гинекологии  
Доктор медицинских  
наук, профессор:

— Сегодняшняя конференция посвящена индексу здоровья женщины в частности, и семейных пар в целом, вопросам инфекций, передаваемых половым путем, которые оказывают отрицательное, пагубное влияние на организм, и самое главное, вирусным заболеваниям, требующим синхронизации, так как после лечения сохраняются следовые остатки, и когда им-

которые могут привести к серьезным последствиям, если их вовремя не диагностировать, не исследовать и не лечить. Люди, собравшиеся на конференции сегодня — это врачи, научные сотрудники, студенты старших курсов. И сегодня здесь из всего потока поступающей информации, они могут выделить для себя что-то важное, ведь все новшества, что разрабатываются научными сотрудниками, аспирантами одновременно внедряются в клинику, в работу поликлинического подразделения.

в практику, воспринималось в штыки, с некоторой опаской, существовал страх заключать договора и контракты с представителями, которые могли открыть нам новые возможности. С течением времени, с обретением независимости эта особенность стала убывать, и теперь мы идем навстречу новым открытиям. Свидетельством этому и является набор новых медицинских инструментов, аппаратуры, направленной на выявление различных заболеваний гинекологической системы. В заключение хочу добавить, что от этой конференции мы ожидаем множества новой, полезной информации и готовы ее слушать и воспринимать.

**М. ТУРСУНХОДЖАЕВА,**  
Акушер-гинеколог  
консультативного кабинета  
по семье и браку НИИ  
Акушерства и гинекологии:

— Сегодня мы собрались здесь для того, чтобы еще раз обсудить актуальные вопросы

них тщательный всесторонний медицинский осмотр, так как это является необходимым по закону, и они не могут не вступить в брак без представления медицинской справки. Но в дальнейшем инициатива должна исходить от них самих, и даже после вступления в брак им следует добровольно посещать врача, следить за своим здоровьем. Благодаря этому процент рождаемости детей с заболеваниями резко снизится, и наряду с этим процент выкидышей и случаев бесплодия. Вопросы, стоящие на повестке дня, поднимаются сейчас не впервые и не только в столице Узбекистана. Активная работа по разрешению некоторых вопросов в этой сфере ведется и в областях республики. Мы выезжаем с рабочими командировками в регионы страны и проводим семинары на всевозможные темы для наших областных специалистов. Помимо этого, среди молодежи



ли маърузалари қамраб олди. Мутахассисларнинг ийлар давомида олиб борган илмий изланишлари ва кузатишлари назарида ва амалиёт билан уйғунлашган ҳолда тингланган маърузаларда ўз аксини топди. Таъкидлаш жоизки, республикамизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари узлуксиз равишда амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти ва виллоят филиаллари, перинатал, она ва бола скрининг марказлари, тиббиёт муассасаларидаги гинекологик хизматлар малакали кадрлар таъминоти ва сифат нуктаи назардан яхшилашнинг асосий эътирофи эътиш мумкин. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизими ислохотларининг мазмун-моҳиятида ҳам аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш, керакли тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни самарали даволашда илгор технологиялардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Конференция ишида ҳам замонавий технологияларнинг афзалликлари алоҳида урғу берилди. Соҳа вакиллари билан тажриба алмашилди. Демак, бу борада қилинаётган ишлар қўлами янада кенгайишига етарли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Умид қиламанки, мазкур анжуманда кўтарилган муаммолар ҳорижлик ҳамкасблар билан ҳамкорликда ўтказиладиган съезд ишларида ўз ечимини топиб боради.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Р. ХОДЖАЕВА,**  
акушер-гинеколог:

— Мы стояли на истоках создания института акушерства и гинекологии, мы его строили, старались довести его до такого состояния, в котором он находится сейчас. Эта конференция включила в себя все новшества, наблюдаемые на сегодняшний день в области акушерства и гинекологии. Здесь будут зачитываться доклады на различные темы этой сферы, благодаря чему участники и простые слушатели получат пищу для размышлений, смогут сопоставить новые данные с данными прошлых лет, сравнить и проанализировать те изменения, которые имели место за последнее время, а также использовать их в своей будущей деятельности. Большое количество молодежи, собравшееся здесь сегодня, это наш потенциал, наши кадры, которые должны и будут впитывать каждое слово, произнесенное сегодня, чтобы в дальнейшем, придя нам на замену, выполнять свой долг так же хорошо, как это делаем мы и даже лучше. Отвечая на вопрос о новшествах в системе акушерства и гинекологии, я, в первую очередь, хочу отметить техническое оснащение нашего института, которое находится на высоком уровне. Например, раньше, около 20-25 лет назад что-то новое, внедряемое

современной системы акушерства и гинекологии. На сегодняшний день наблюдаются случаи бесплодия среди женщин, выкидышей, а также увеличивается число простудных заболеваний, резко снижающих иммунитет, среди беременных женщин. Сегодня мы планируем обсудить эти и многие другие перечисленные выше проблемы, поразмышлять над новыми профилактическими методами, которые станут препятствием дальнейшему увеличению числа этих заболеваний. И еще один немаловажный аспект, который я бы преподнесла как рекомендацию для молодых семей. Безусловно, перед вступлением в брак мы проводим на

наблюдается передача инфекции, передающихся половым путем, таких как герпес, хламидиоз и многие другие, а также регистрируются случаи браков, заключенных между кровными родственниками. Наличие вышеперечисленных заболеваний у кого-либо из родителей влияет на мозговые структуры еще не родившегося ребенка, повреждает мозг и как следствие рождается больной ребенок. Конечно, после рождения ребенка и установления у него определенного диагноза, со стороны врачей принимаются усиленные меры по исцелению малыша, но, несмотря на это, результат не всегда дает успехи.

Конференция ўзига хос уюшқоқлик билан ўтказилганлиги соҳа мутахассисларининг касбий маҳоратларига бўлган қизиқиш ҳамда фаолиятдаги кўникмалари янада бойишига катта туртки бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Чунки, ушбу йўналишда фаолият юритаётган мутахассисларнинг конференциядаги иштироки, маърузалардаги фаоллиги ҳамда ўзаро фикр алмашувлари келгусида соҳа ривожига олдида турган муаммоларни бартараф этишда муҳим омил бўлади. Шундай экан, тизимдаги акушер-гинекологларнинг илмий изланиши ва соҳадаги ютуқларини ўз замирида ифода этган мазкур илмий-амалий конференция оналар ва болалар саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ибодат СОАТОВА, Юлдуз НАЛИБАЕВА.  
Суратлар муаллифи Анваржон САМАДХОДЖАЕВ.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.





## Она ва бола

### Показалик (Гигиена)

Ўзингизни ва бўлажак боланингизни юкумли касалликлардан асраш, химоя қилиш учун кундалик озодаликка риоя қилиш жуда муҳим:

- \* Ҳар қандай уй ишлари – уйни саранжом қилганда, дала ва богдаги юмушлардан, ҳожатхонага кириб чиққандан сўнг ва айниқса, овқат тайёрлаш ва овқатланишдан олдин қўлларингизни ювишни унутманг.

- \* Танангиз доимо тоза бўлиши учун мунтазам равишда чўмилинг.

- \* Мева, сабзавот ва кўкатларни яхшилаб ювинг.

- \* Гўшт, товуқ ва тухумни яхшилаб қайнатинг, эскирган ёки совуткич (холодильник)да сақланмаган овқатларни еманг.

- \* Юкумли касалликлардан сақланг. Айниқса, қизилча ва қизамиқ хавфли.

### Ҳомиладорлик даврида юзага келадиган баъзи муаммолар

Агар аёлнинг турмуш

Презклампися ҳомиладорлиқнинг иккинчи ярмида учрайдиган асорат бўлиб, у қон босимининг ошиши, шиш пайдо бўлиши билан кечади ҳамда даволашни талаб қилади.

**Зарда қайнаши**, қизилўнғач ачишиши ҳам ҳомиладор аёлнинг бетоблигига киради. Шу сабабли ёғли ва аччиқ таомларни истеъмол қилманг. Шунингдек, тез-тез ва кам миқдордаги овқатланиш ҳам ёрдам беради. Ухлаш пайтида тана юқори қисми остига баланд ёстиқ қўйиш тавсия этилади.

### Сут безидаги ўзгаришлар.

Дағалланиш, сезувчанлиқнинг ошиши, кўкрак учининг катталашishi ва рангининг ўзгариши кузатилади. Бу аломатлар кўкракнинг туғруққа тайёрланиб боришининг белгиси бўлиб, хавотирланишга ўрин йўқ.

**Бадан терисининг чўзилиши ва чизикларнинг пайдо бўлиши.** Туғруқдан сўнг чизиклар қолади, бироқ ранги ўзгаради ва камроқ пайқаладиган бўлиб қолади.

**Доғлар.** Бадан терисининг баъзи қисмларида (юзда, кўкракда, қоринда ва бошқа жойларда) қорамтир доғлар пайдо бўлади. Булар ҳомиладорликка хос аломатлар бўлиб, бола туғилганидан кейин ғойиб бўлади.

**Қабзият.** Бу ҳолатни қуйидаги йўл билан бартараф этиш мумкин:

- \* Эрталаб наҳорда кўнглингиз кўтаргунча иссиқ сув ичинг.

- \* Турли хилдаги, асосан янги узилган ва маҳаллий бўлган сабзавот ва мевалар ҳамда йирик тортилган ундан ёпилган нон (зоғора) каби овқатларни истеъмол қилинг.

**Кўл ва оёқлар шиши** – ҳомиладорлик даврида тез-тез учрайдиган муаммолардан бўлиб, айниқса, иссиқ пайтларда ёки аёл узоқ вақт тик турганда кузатилади. Имкон қадар қулай қийим ва қулай пойабзал қийиш тавсия этилади, ўтирганда эса оёқларингизни қулай ва юқориқоқ тутинг.

**Қон томирларининг вари-коз кенгайиши.** Баъзан қон томирлари (оёқ томирлари) кенгайиши мумкин, бу ҳомиладорликда қон айланишининг қийинлашиши билан боғлиқдир. Кўп тик турманг, оёқларингизни чалиштириб ўтирманг, оёқларингизни курсичага қуйиб ўтиринг. Пошнасиз пойабзал қийиш, эрталаб жойингиздан турганда махсус, оёқни жипс ушлаб турувчи пайпоқ қийганингиз маъқул.

**Бавосил (геморрой)** – орқа ахлат йўли томирларининг шиши натижасида қичишиш ва оғриқ пайдо бўлади. Бавосилнинг энг яхши давоси, бу қабзиятнинг олдини олишдир.

**Бел оғриғи.** Боланинг ўсиши ва вазминлашиши туфайли онанинг умуртқа поғонасига юк ту-

шади, юк эса белга оғриқ беради. Аҳволни янада оғирлаштирмаслик учун тик ҳолда узоқ турманг ва оғир юк кўтарманг. Жисмоний машғулотларни бажариш фойдалидир. Баъзи бир маслаҳатлар:

- \* Паст пошнали пойабзал қийиб юринг.

- \* Бирон бғир нарсани кўтармоқчи бўлсангиз эгилманг, тиззаларингизни букиб кўтаринг.

- \* Юкни иккала қўлингизда кўтариб юринг.

- \* Уй юмушларини бажарганингизда (қир ювишда, уйни йиғиштириб-тозалашда, таом тайёрлашда, ҳовли супуришда ва шунга ўхшаш ишларда) эгилмасликка ва умуртқа поғонагизни букмасликка ҳаракат қилинг.

**Оёқлар томири тортишганда** ўша жойни яхшилаб уқаланг – қон югуради. Агар томир тортиши тез-тез қайтарилса, врачга мурожаат қилиш зарур.

**Ҳансирашда** очиқ ҳавода сайр қилиш яхши ёрдам беради. Агар ҳансираш ухлашга ҳалал берса, унда бош ва елкалар остига ёстиқ қўйиб ётинг.

**Кайфиятдаги ўзгаришлар.** Ҳомиладорлик пайтида тушқунликка тушиш ва тажанглик ҳолатлари ҳам кузатилади. Одатий ишларингиз билан машғул бўлишга ҳаракат қилинг, фикрингиз банд бўлиши учун ҳар кунни уйда ёки ундан ташқарида ўзингизни қулай юмуш билан чалғитинг. Агар кайфият ўзгариши кескин бўлса, шифокор билан маслаҳатлашишга эрингиз билан бирга бординг.

**Уйқусизлик** – уйқунинг камчилигини тушдан кейинги дам олиш билан тўлдириг.

**Чарчаш ва тез толиқиш** – кўпроқ дам олишга ва тоза ҳавода сайр этишга ҳаракат қилинг.

Юқорида тилга олинган муаммолар ҳомиладорлик давридаги одатий ҳол бўлиб, улар ноқулайлик туғдирса-да, лекин жиддий зарар келтирмайди. Аммо қуйидаги муаммолар содир бўлиши биланок, дарҳол врачга мурожаат қилиш даржор.

### I уч ойликда шифокорга мурожаат қилиш учун зарур бўлган хавфли белгилар:

- \* Сўлак оқиши;
- \* Кўп такрорланувчи қайт қилиш;
- \* Нафас олишнинг қийинлашуви;
- \* Терида сариқ рангли аломатлар пайдо бўлиши;
- \* Терининг қичиши;
- \* Ҳароратнинг кўтарилиши;
- \* Қорин пастига оғриқ;
- \* Қўндан қонли ажралма келиши.

### II ва III ойликда шифокорга мурожаат этиш учун зарур бўлган хавфли белгилар:

- \* Ҳомила қимирлашининг тезлашиши, секинлашиши ёки

бутунлай йўқолиши;

- \* Оёқлар ёки бутун танада, юз соҳасида тўсатдан шишининг пайдо бўлиши;

- \* Доимий бош оғриғи, қўриш қобилиятининг бўзилиши, кўз олдининг қоронғулашиши, шунингдек, доғлар учгандек ёки чақнагандек бўлиб кўриниши;

- \* Эт увишиши ва тана ҳароратининг 38°C ва ундан ортиқ бўлиши;

- \* Ошқозон соҳасида оғриқ, кўнғил айнаши ва қушининг пайдо бўлиши;

- \* Хушни йўқотиш;

- \* Шайтонлаш (талвасага тушиш);

- \* Нафас олишнинг қийинлашиши;

- \* Хаддан ташқари кўп ухлаш ёки уйқусизлик;

Ҳомиладорлик ва туғруқ билан боғлиқ бўлган хавфни камайтириш учун оиланинг барча аъзолари (эри, қайнонаси ёки яқин уруғ-аймоқлари) юқорида қайд этилган хавфли белгиларни билмоқлари зарур.

### Туғруққа тайёргарлик

Қишлоқ врачлик пунктидаги ва оилавий поликлиникадаги аёллар маслаҳатхонасида ҳомиладор аёллар учун «Бўлажак оналар мактаби» деб номланган дарс машғулоти олиб борилади. Унда ҳомиладорлиқнинг ўтиши, овқатланиш, туғруқнинг энгил



кечиши ҳамда кўнғилсиз асоратлар содир бўлганда, қаерга ва қандай ёрдамга мурожаат қилиш ҳақида, шунингдек, туғруқдан кейинги даврда сиз учун фойдали бўлган маслаҳатларни – янги туғилган чақалоқни боқиш ва парвариш қилиш, қўтилмаган ҳомиладорликдан сақланиш ҳақида маълумот бериб борилади.

Ҳар қандай ҳомиладорликда қаерда туғиш ва ким унга доялик қилиши кераклиги ҳақида тиббий ходимларнинг фикрини билиш зарурдир. Агар оиланинг туғруқ пайтида кўнғилсиз асоратлар бўлишига кўзи етса, у ҳолда туғувчи аёлни туғруқхонага олдиндан ётқизиш лозим. Ёки туғувчи аёлга ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатиш учун туғруқхонага яқин бўлган жойга

вақтинчалик кўчиб ўтиш имконини яратиш керак.

Ҳозирги кунда туғруқ даврида сизнинг ихтиёрингиз билан қариндошларнинг – турмуш ўртоғингиз, онангиз, қайнонangиз, опангиз ёки бошқа яқин инсонлар (дугонангиз, таниш ҳамшира ва ишонарли шахслар)нинг иштирок этишига рухсат берилади. Бундай дақиқаларда айнан кимни олдингизда бўлишини хоҳлайсиз – олдиндан чамалаб чиқинг ва бу ҳақда шифокорингизга хабар беринг. Чунки сиз танлаган инсон билан суҳбат ўтказиш ва уни шу вазифага тайёрлаш, зарур тадбирларни уқтириш жоиз.

Туғруқхонага олиб бориш учун қуйидагиларни тайёрлаб қўйинг:

- \* Алмашув варақаси, паспорт.

- \* Совун, тиш чўтқаси ва пастаси, тароқ, сўчқас ва бошқа зарур бўлган кундалик нарсалар.

- \* Шахсий тозалик учун ишлатиладиган оқ суруп ёки дока.

- \* Тунги қўйлақлар (эмизиш учун қулай, олди очиладиган бўлсин), ички қийим, халат (фақат пахта толасидан ва пахмоқдан бўлиши керак) ва шиппак.

- \* Чақалоқ учун қалпоқча, қийимчалар, иштончалар, пайпоқчалар (фақат пахта толасидан ва пахмоқдан бўлиши керак).

- \* Газсиз минерал суви ёки қайнатилган сув ҳамда мевалар пластик шишада.

Боланинг туғилиш жараёни туғруқ деб аталиб, нормал физиологик жараён ҳисобланади.

Қориннинг пастки қисмида туғруқ дардлари (тўлғоқ) – мунтазам тутиб турувчи оғриқларнинг пайдо бўлиши – туғруқ бошланганидан дарак беради.

### Туғруқ белгилари:

- \* Тўлғоқ жадаллашади ва қучайиб боради.

- \* Белда оғриқ ва оғирлик пайдо бўлади.

- \* Бачадон йўлини беркитиб турган пушти ранг, ёпишқоқ, шиллиқ ажралмадан иборат тикин чиққди.

Агар туғруқ дардлари ҳар 10-15 дақиқада такрорланиб турса, қонли ажралмалар келса ёки қоғоноқ сувлари кетса, дарҳол туғруқ муассасасига бориш керак.

Туғруқ муассасасида сизга эрингиз, онангиз, қайнонangиз ёки опангиз мадад бериб туриши мумкин. Сиз ва яқинларингиз шифокор билан бирга туғиш тадбирини қилишиб олишингиз мумкин.

(Давоми 4-бетда).



ўртоғи, қариндошлари ва дўстлари қўллаб турсалар, у ўзини яхши ҳис этади: ҳаётида муҳим воқеа содир бўлаётганини ва бу ҳолати уни авайлашга аргизулигини ҳис қиладди, ўзи ҳам ёқимтой кўрина бошлайди. Шунга қарамай, ҳомиладорлик даврида юзага келадиган баъзи муаммолар тўрисида билиб олиш фойдалидир.

**Кўнғил айнаши** ҳомиладорлиқнинг эрта муддатларида (эрта токсикоз) бўлажак она организмнинг янги ҳолатга мослашишдан юзага келади. Бунга қарши курашишга ёрдам берувчи бир неча маслаҳатлар:

- \* Эрталаб ўрнингиздан турмасдан бирор нарса енг, масалан, печенье ёки бир парча қуруқ нон, озгина майиз ёки туршак. Ўзингизни авайлаб ўрнингиздан туринг.

- \* Тез-тез ва кам миқдорда овқатланинг. Овқатланишдан сўнг кескин ҳаракат қилманг.

- \* Сизга ёқмайдиган махсулотлардан ва хидлардан йироқ бўлинг, ёғли ва оғир таомларни еманг.

(Охири. Боши ўтган сонда).



# БУ СИЗ УЧУН БАХТЛИ ОНЛАР

## Туғруқнинг ўтишида 3 та давр рўй беради

**Биринчи даври** – бачадон бўйнининг секин-аста очилиши. Бу уч давр ичида энг узоқ давом этувчиси ҳисобланади. Туғруқ дардлари аввалига ҳар 10-15 дақиқада тутиб туради, кейинчалик улар тезлашади ва кучаяди. Туғруқ дардлари тутганда бир маромда ва чуқур нафас олинг. Ўзингиз учун туғруқ фаолияти ривожланишига қулай бўлган ҳолатларни (тик туриш, ўтириш, ёнбошлаб ётиш, тиззаларда ёки чўккалаб туриш) танланг.

Танангиз ҳаракатга эҳтиёж сезса, ўтирманг, хона бўйлаб юринг, чарчаганингизда ўтиринг ёки ётиб дам олинг. Қўмаклашиш учун келган эрингиз ёки ақинингиз билан суҳбатлашинг. Туғруқ дардлари дастлабки тўлғоққа қараганда давомли ва оғирроқ кечади. Биринчи давр поёнида ҳомила пуфаги ёрилиб, қоғонок сувлари қин орқали чиқиб кетади, у баъзан томчилаб оқади, баъзан эса кучли оқим билан келади.

**Туғруқнинг иккинчи даврида** туғруқ дардларига тўлғоқлар – қориннинг пастидан ич бўшалишининг кучли кистовига ўхшаш сикувчи оғриқлар ҳам қўшилади. Сиз туғруқнинг учун қулай ҳолатларни (тик ҳолда, стулда ўтириб, шерингизга суяниб, стулда орқа қилиб, шерингизнинг тиззаларига қўл тираб, ёстиққа таяниб) ўзингиз топинг.

Сиз балианд овози йиғлашни эшитасиз – бу фарзандингизнинг овози! Киндик кесилиб (буни турмуш ўртоғингиз баҳариши мумкин), чақалоқни артиб, қорингиз устига қўядилар. Бироз дам олгандан сўнг унинг ўзи кўкракни топиб эма бошлайди. Ўз сутингиз билан биринчи марта эмизish фарзандингиз ва ўзингиз учун жуда фойдалидир.

**Учинчи давр** – йўлдош тушиши даври бўлиб, у 5 дақиқадан 30 дақиқача давом этади. Йўлдош чиқиши билан, шифокор унинг бутунлигини текширади. Бола туғилгач, ба-

чадон қисқара бошлайди. Бу даврда баъзан қон кетиш ҳавфи туғилади, шунинг учун туққан аёл туғруқ залида 2 соат давомида врач ва доя кузатувида бўлади.

**Туғруқдан кейинги давр**  
Бола туғилгач, она ва гўдак палатага олиб чиқилади – сиз доим чақалоғингиз билан бирга бўласиз.

**Сут ҳосил бўлиши.** Аввалига кўкракдан «огиз сути» деб номланган суюқлик келади. У сариқсимон бўлиб, фойдали моддаларга бойдир. Шунинг учун ча-



қалоқ биринчи 30 дақиқада кўкракка қўйилиши лозим. Сўнгра (одатда туғруқдан сўнг 3-4 кун ўтгач) сут келади, кўкрак безларининг ҳажми катталашади, вазминлашади, оғриқ пайдо бўлиши ҳам мумкин, баъзан тана ҳарорати кўтарилади. Бундай ҳолат 1-2 кун давом этиши мумкин. Она сути гўдак учун энг қимматли озуқа ҳисобланади. Она сути таркибида болани юқумли касалликлардан ҳимоя қилувчи ҳужайралар ҳамда гўдакнинг бўйи ўсишини, ақлий ва жисмоний ривожланишини таъминловчи моддалар мавжуд.

Биринчи олти ой давомида кўкрак сути боланинг соғлом ўсиб, ривожланиши учун ягона озуқаидир.

Туғруқдан кейинги биринчи 3-4 кунларда жинсий аъзолардан қонсимон суюқликлар келади, тўрттинчи кундан бошлаб улар қоринчир-жигаранг туси олади, кейинчалик сарғиш-оқ ранг-

ли бўлиб қолади. 10 кундан кейин эса, улар одатий ҳолатга тушади.

**Туғруқхонадан чиқариш**  
Агар туғруқ ва туғруқдан сўнгги давр асоратсиз ўтса, аёл ва чақалоқ ўзини яхши ҳис қилса, 4-5 кундан сўнг уйга жавоб берилади.

**ЧИЛЛА ДАВРИ**  
**Туғруқхонадан қайтгач**, ёш она дарҳол одатдаги уй юмушларини бажаришга ҳаракат қилади, бироқ у ҳали туғруқдан кейин ўзига келганича йўқ, 40 кун давомида ёш она ва гўдак парварлишга муҳтож. Бу авайлашни ҳалқимиз «чилла даври» деб атайди.

**Туғруқдан кейинги гигиена.** Она ҳамда болада инфекция ривожланишининг олдини олиш учун шахсий покизаликка риоя қилиш керак:

• Мунтазам равишда чўмилиб туринг ёки илиқ сувли ванна қабул қилинг. Иложи борица ҳидсиз совунни ишлатинг. Агар сизда кесар кесиш операцияси, оралик йиртилишлари (эпизиотомия)дан сўнг тикув чоки қўйилган бўлса, факат душ қабул қилинг. Чўмилишдан ёки таҳоратдан сўнг ювилган танангизни ишқалаб артманг, юмшоқ газлама ёки сочик билан қуригинг.

• Хар гал эмизшдан олдин ва кейин кўкракни ювишда совун ишлатишга ҳолат йўқ.



• Болани ушлаш ёки уни қўлақ олишдан олдин доимо қўлингизни совун билан яхшилаб ювинг. Болани кўришга келганлардан ёки унга ҳамхўрлик қиладиган кишидан болага қўйинлашшдан олдин албатта қўлни совун билан ювишини илтимос қилинг.

## Юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар

Кўйида кўрсатилган баъзи белгилар юз берганда, зудлик билан шифокорга мурожаат қилинг:

• Сут безида ёки кўкрак сўргичларида шиш, қизариш ёки оғриқ.

• Чот соҳасидан ажралмаларнинг кўпайиши ёки туғруқдан кейинги 6 ҳафта давомида каммайсизлиги.

• Чотдан ийрингли ёки бадбўй ҳидли ажралма келиши.

• Тана ҳароратининг 38°C гача кўтарилиши, жунжикиш, юракнинг тез уриши (томир уриши дақиқасига 100 та ва ундан ортиқ), бош айланиши.

• Кесар кесиш операциясидан сўнг: тикиш жойининг оғриши, қизариши, шишиши, очилиши ёки жароҳатдан ийрингли ажралмаларнинг келиши.

• Сийдик ажралошига оид муаммолар ва/ёки сийдикни тута олмаслик.

• Қориннинг пастки қисмларида ёки чот оралиғида оғриқнинг кучайиши.

Навбатдаги ҳомиладорликни режалаштиришдан олдин аёл соғлом ва қувватли бўлиши лозим. Туғруқлар орасидаги оралик камиди уч йилни ташкил этиши керак. Бу даврда она организмни тўлиқ тикланиб, гўдак ҳам икки йилгача кўкрак сўтидан баҳраманд бўлади. Сизга мос келадиган, ҳомиладорликдан сақланишда ишлатиладиган контрацептив воситалари ҳақида шифокор билан маслаҳатлашинг.

**Туғруқдан кейинги тушқунлик (депрессия).** Бола туғилгандан сўнг баъзи ҳолларда оналарда сиқилиш ҳолатлари пайдо бўлиб, тез-тез тушқун аҳволга тушиб қолиши мумкин. Уйқуга тўймаслик, мадорсизлик ва чарчоқлик аломатлари пайдо бўлиши оқибатида ёш она ўзини нуқолай сезади, қўзига ҳеч нарсаси кўринмайдиган бўлиб қолади.

Танг аҳволдан қандай чиқиш мумкин? Бунда оиланинг қўллаб туриши жуда муҳим ва зарурдир. Шундай пайтда оила аъзолари зийрак бўлмоқлари даркор. Масалан, илиқ сўз, табассум, ҳамхўрлик кўрсатиш аини шу пайтда жуда зарурдир. Уй ишларида ёрдам бериш, болага қараш,

юпатиш, она қўлидан идиш-товогини олиш – шу каби ҳаракатлар онанинг кўнглини очади, таскин беради.

## Кун тартиби ва овқатланиш

Кўкрак сути билан боқайтган аёл тўғри овқатланиши ва тўлиқ дам олиши зарур. Уйқу (кундузги уйқу билан бирга) 10 соатдан кам бўлмаслиги керак. Унга китобнинг биринчи бўлимида тавсия этилган витамин ва минералларга бой, озуқали таомларни истеъмол қилишни маслаҳат берамиз.

Тахминий кунлик маҳсулотлар тўплами – 100 гр гўшт, товуқ ёки балиқ, 150 гр пишлок, 100-150 гр творог, қатиқ, айрон маҳсулотлари билан бирга 1 л сут, 1 дона тухум, 200-400 гр мева ва сабзавот, 175-200 мл мева ёки сабзавот шарбатларидан иборат бўлиши керак.

Сабзавотларни табиий ҳолда ёки салатлар қилиб ёйиш мумкин. Сули ва гречка ёрмасидан кенгрок фойдаланиш лозим – бўтқа, шавла пиширинг. Йирик тортилган ундан тайёрланган нон тавсия этилади. Бироқ кўкрак билан эмизish даврида истеъмол қилиш мумкин бўлмаган маҳсулотлар ҳам мавжуд – улар сутга ёқимсиз таъм бағишловчи саримсоқ, зира-ворлардир. Шоколад, какао, кофе, цитрус мевалар, асал, ёнғоқ каби маҳсулотларни чегаралаш лозим.

Хар эмизшдан олдин, кунига 5-6 марта овқатланинг. Бу сутнинг сифати ҳамда кўпайишини таъминлайди. Қанча хоҳласангиз, шунча суюқлик ичинг.

**Умид қиламизки, бу қисқача маълумотлар, тавсия ва маслаҳатлар сиз учун фойдали бўлди.**

**Мазкур мақола Ўзбекистон Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «ХелсПром» нодавлат ташкилоти ҳамкорлигида нашр этилган «Она бўлиш бахти» номли китобидан олинди.**

## Семинар

# СИФАТ ВА НАЗОРАТ – ХАВФСИЗЛИК ЧОРАПАРИ

Шу йилнинг 13 сентябрь куни пойтахтимиздаги «Dedeman Silk» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва назорат нукталарида хавфнинг таҳлилий тизими» мавзусидаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти вакиллари, Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати етакчи мутахассислари, тиббиёт олийгоҳларининг профессор-олимлари, Греция, Бирлашган Араб Амирликлари, Сербия каби қатор давлатлар, Европа ҳудудий бюросининг озиқ-овқатлар хавфсизлиги бўйича маслаҳатчилари иштирок этди. Мазкур

семинарни ташкил этишдан мақсад соғлиқни сақлаш тизимида озиқ-овқат маҳсулотларидан келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш ва хавфхатарга қарши курашиш учун хавфсизлиkning комплекс, яхлит тизимларини ишлаб чиқиш, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун соҳалараро ҳамкорлиқни кучайтиришдан иборатдир. Семинар иши асосан озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги бўйича Европа регионал бюроси дастури –

ЖССТнинг ўрта ер денгизи ҳудуди давлатларида зоонозалар билан курашиш дастури асосида тайёрланган бўлиб, бу ташкилотлар ЖССТ аъзолари бўлган давлатлар ҳудудида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига қаратилган ўқув курслари ташкил этиш билан шуғулланади. Чунки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўсиши, табиийки, инсонларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж ва талабларини ортиради. Лекин ишлаб чиқарилаётган турли хилда маҳсулотларнинг сифат даражаси, яроқлилик мuddати назорат этилмаса, бу ҳолатлар инсон организмни учун хавфли касалликларни келтириб чиқаради. Ушбу долзарб масалалар нафақат ЖССТнинг минтақасида, балки дунёнинг барча дав-



латларида устувор – санитария-эпидемиология назорати хизматининг вазифаси ҳисобланади. Айнан юқоридаги муаммолар атрофида олиб борилган ўқув семинарда ҳам мутахассислар хавфсизлик чораларини кўпроқ амалга ошириш зарурати борлигига урғу бердилар.

Саккиз кун давомида тингланган долзарб мавзудаги хал-

қаро эксперт ва мутахассисларнинг маърузалари иштирокчиларнинг комплекс ва яхлит тизимлар асосида иш юритишлари, амалдаги назорат нукталарида хавфнинг таҳлилий чораларини кучайтириш борасидаги фаолиятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**Намоз ТОЛИПОВ.**



Конспект врача

## АКРОМЕГАЛИЯ: вопросы диагностики и лечения

Согласно данным Европейского консенсуса по биохимической оценке и длительному отслеживанию больных акромегалией, послеоперационное отслеживание этих больных включает измерение уровней ГР и ИФР-1 по меньшей мере один раз в год, а также магнитно-резонансную визуализацию состояния гипофиза для исключения рецидивов, которые в первые 15 лет после операции регистрируются у 10% больных.

Недавно в качестве технического совершенствования операции на гипофизе, а также для снижения риска повреждения носа и клиновидных пазух было предложено проводить эндоскопическую эндоназальную трансфеноидальную процедуру через одну носовую. Интересно, что частота постоперационных осложнений с применением такой процедуры ниже по сравнению с классическим микроскопическим подходом. Фактически у 146 больных, перенесших эндоскопическую эндоназальную трансфеноидальную процедуру в области турецкого седла для резекции аденом гипофиза в период между январем 1997 и июнем 2001, частота осложнений была сниженной по сравнению с данными большой группы больных, перенесших традиционную микрохирургическую трансфеноидальную операцию.

Противопоказаниями к оперативному лечению являются пожилой возраст, инвазивный рост опухоли и наличие тяжелых сопутствующих заболеваний. Завершенность удаления опухоли обычно оценивается при измерении уровней ГР и ИФР-1 и послеоперационным магнитно-резонансным сканированием, но дифференцирование хирургических изменений и истинных остатков опухоли может представлять сложность.

Лучевая терапия ГР-секретирующей опухоли гипофиза должна быть показана тем больным, которым хирургическое вмешательство противопоказано или оказалось неудачным, а с помощью медикаментозного лечения не удается контролировать стойкую гиперсекрецию гормона в связи с остаточностью опухоли, ее величиной и распространенностью, инвазивностью, характером соматического статуса больного. Но нужно отметить, что возможность повышения смертности в связи с заболеваниями сосудов коры головного мозга у больных, прошедших курс облучения гипофиза, а также разработка новых методов лечения сузили показания к применению радиотерапии при акромегалии.

В настоящее время используется множество ме-

тодов облучения, в том числе наружное облучение, облучение протонным лучом, гамма-частицами, а также интратекальная радиотерапия.

Гамма-терапия как первичный метод лечения применяется только при невозможности проведения аденоэктомии ввиду отсутствия специализированной нейрохирургической службы, при наличии противопоказаний к операции, а также при аденомах гипофиза с инвазивным ростом. При больших аденомах (III-IV степени увеличения турецкого седла) и высоком уровне ГР, а также при аденомах гипофиза с инвазивным ростом лучевую терапию целесообразно применять в комплексе с хирургическим и медикаментозным методами воздействия.

